

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 4-ҳадис

وَأَنَّهُ قَالَ لِعَلَيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: «فَوَاللَّهِ، لَا نَنْهَاكُمْ بِرَجُلٍ وَاحِدًا حَيْثُ لَكُمْ مِنْ حُمْرٍ
النَّعْمِ». [2406 - م 3009]

Яна у зот Алий розияллоҳу анхуга: **«Аллоҳга қасамки, сен туфайли бир кишининг ҳидоят топиши сен учун қизил таяларинг* бўлишидан яхшидир»**, дедилар».

* Ўша пайтда араблар учун энг гўзал ва мўътабар мулк айни етилиб, қизфиш тусга кирган тая ҳисобланган. Шунинг учун сўнгги жумлани «қизил таяларинг бўлиши» деб ҳам, «ана шундай қимматбаҳо мулкни садақа қилишдан яхши» деб ҳам тушунса бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу билан «Уларни ўлдирганингдан кўра уларнинг Исломга киришига сабаб бўлганинг яхши, шундай қил», демоқчилар. Исломда бир номусулмон инсоннинг мусулмон бўлишига сабаб бўлиш ана шундай улкан савобли иш ўлароқ тарғиб қилиниши билан бирга, бу иш тушунириш, таклиф қилиш услублари билан амалга оширилиши, мажбурлаш билан бўлмаслиги қаттиқ уқтирилади. Аллоҳ таоло Ўз Расулига бу борада қуидагиларни айтган: «Агар Роббинг хоҳласа, ер юзидағи кишиларнинг ҳаммаси иймонга келар эди. Ёки сен одамларни мўмин бўлишга мажбурлайсанми?!» (Юнус сураси, 99-оят)

Мен саҳих ҳадислардан муҳтасар ҳолда жамламоқни маъқул деб топдим. Бунда охиратга бўлган йўлни ўз ичига олган нарсалар ва ботиний ҳамда зоҳирий одобларни ўз ичига олган нарсалар, тарғиб ва қўрқитувчи ҳамда бундан бошқа соликларни одоб турларини ўзида акс эттирган зуҳдга тааллуқли ҳадислар, нафслар риёзати, ахлоқларни сайқаллаш, қалблар мусаффолиги ва муолажаси, аъзоларни муҳофаза қилиш, уларнинг эгри нуқталарини кетказиш ва бундан бошқа орифларнинг мақсадлари тўпланган.

Мен бунда возиҳот бўлган саҳих ҳадисларни зикр этишни лозим топдим. Бундан ташқари Қуръони карим оятларини ҳар бир бобнинг аввалида келтириб, мавзуга тааллуқли машҳур ва саҳих китобларни унга қўшимча қилдим. Зобт ёки маҳфий маъноларни шарҳлашда муҳтоҷ бўлинадиган

ажойиб танбеҳларни истифода қилдим. Агар ҳадиснинг охирида «Муттафақун алайҳ» десам, демак, унинг маъноси имом Бухорий ва имом Муслим ривоят қилдилар, деганидир.

Ушбу китоб ўқувчиларга манзур бўлиб, яхшиликларга буюриб, қабоҳат ва ҳалокатга олиб борувчи амалларга тўсиқ бўлиб қолишини умид қиласман. Мен ушбу китобни ўқиб, бирор нарса наф олганлардан ўзим учун, ота-онамга, устозларим, бошқа аҳбобларим ва барча мусулмонлар ҳаққига дуо қилишларини сўраб қоламан.

ал-Карим сифатли Аллоҳга суюнаман, Унга ўзимни топшириб, таянаман, кифоячим Аллоҳ, У мунча ҳам яхши вакил, ал-Азиз ва ал-Ҳаким сифатли Зотдан бошқа куч-қувват йўқдир.

Манба: hadis.islom.uz

